

ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

26 МАЙ, ПАЙШАНБА, № 102 (850).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

25 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов Буюк Британиянинг «Меридит жонс груп» компаниясининг раиси Найжел М. Жонсни қабул қилди.

Самимий суҳбат чоғида мазкур компания пахта етиштириш, уни сотиш, қайта ишлаш ва сертифициция қилиш бўйича дунёда катта мавқега эга экани, сўнгги йилларда у Ўзбекистоннинг доимий мижозига айланиб бораётгани таъкидланди. Ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш борасида ҳам фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жунрабеков иштирок этди.

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ тасвири. (ЎЗА).



ЎЗБЕКИСТОН — БРИТАНИЯ СЕМИНАРИ

Буюк Британия савдо ва саноат давлат вазирининг делегацияси 25 май куни Тошкентга келди.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Исрол Каримовнинг ўтган йил ноябрь ойида Лондонга сафаридан сўнг бу мамлакат ишбилармон доираларининг юртимизга қизиқиши янада ортди. Мазкур делегация вакиллари Ўзбекистон билан Буюк Британиянинг ўзаро савдо алоқаларини мустақамлаш ҳамда кенгайтиришга хизмат қиладиган амалий музокараларда иштирок этдилар.

Буюк Британиянинг 25 та йирик компанияси вакилларидан иборат делегация аъзолари ҳамда республикамизнинг бир қанча вазирликлари, муассаса ва идоралари раҳбарлари, ишбилармонлар иштирокда ўтказилган шундай тадбирларнинг дастлабки «Ўзбектуризм» миллий компанияси босқичида бўлди.

Танаффусдан сўнг анжуман иштирокчилари алоҳида гуруҳларга бўлиниб, телекоммуникация ва оптик қабил олиш, нефть ва газ, қурилиш, транспорт, саноат ҳамда савдо ва қишлоқ ҳўжалиқ соҳалари бўйича ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН

ИСТИҚВОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА муҳбирлари хабар қиладилар

ҚОЗОҚ ФАНИНИНГ ПАРВОЗИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ўтаётган Қозоғистон кунлари муносабати билан «Ўзбекмарказ» савдо кўргазма марказида намойиш бўлиб ўтмоқда.

«Фан, янги технология ва конверсия» деб номланган бу кўргазмада қардош мамлакат илм-фан тараққиётининг босқичлари акс этган. Унда Қозоғистон Миллий Фанлар академияси ва унинг Аэрокосмик Агентлиги, Қишлоқ ҳўжалиғи ва Инженерлик академиялари, Ал-Фаробий номида Қозоғистон миллий давлат дорилфунуни, Тиббиёт ва Саноат вазирлиғи, бир қанча илмий марказлар фаолиятидан ҳикоя қилувчи сермазун ашёлар жой олган. Марказ ходими М. Исмоиловнинг таъкидлашича, бу ердан томошабинлар беғи узиламайти, минглаб кишилар ташириб буюриб, қардош халқ илм-фани ютуқлари билан таънишиши.

ПАЙВАНДЧИНИНГ ҲИССАСИ

НАМАНГАН шаҳридаги «Оромгоҳ» даҳасида 42 та уч ва тўрт хонали коттеждлар фойдаланишга тошпирин арафасида турибди. Бу замоний турар-жойларни бунёд этишда пайвандчи Қошиқ Ҳасановнинг ҳам ҳиссаси катта. У ўз ишнинг моҳирларидан ҳисобланади.

СУРАТДА: пайвандчи К. Ҳасанов.

ЖУН ЖОНИДА ИШЛАНДИ

БОИСУНИКЛАР Ҳиндистоннинг «Аржанда уорис лимиттед» фирмаси билан шартнома имзолашди.

Унга мувофиқ, туманда тайёрланган минг тоннадан кўпроқ жунни Янгирадиган қўшма корхона қурилади. Бойсуликлар эса унинг эвазига 163 минг дона мол териси беришиди. Бозорда жуннинг нархи жуда тушиб кетган бир шароитда бундай йўл тутилиши ҳам иқтисодий, ҳам ҳамкорлик жиҳатида айни муддаодир.

ТЕЗ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

ҚОРОВУЛВОЗОР нефтин қайта ишлаш заводи қурилиши ҳозир кўчллигининг диққат-эътиборида турибди.

Зарбдор объект деб эълон қилинган бунёдкорлик ишлари французлар билан ҳамкорликда олиб борилади. Янгида Франциядан бир гуруҳ маслаҳатчилар, қурувчи-муҳандислар ташириб буюриб, ишларни қўздан кейинрида, фирм-мулоҳазалар билдиришиди. Айни кунларда «Вухороефт-завоқурилуш» трестининг биринчи бошқармаси 20 минг тонна ситимили 6 та оғир қурилишни жадал олиб бормоқда.

ПАХТА ҲАР ДОИМ КЕРАК

Қорақалпоғистондаги «Нукус» жамоа ҳўжалиғида қийин об-ҳаво шароитларига ва қарамадан гўза ривож кўнмалдагидек даражага етди. Албатта, бунда маҳорат ва фидойилик иш берди.

СУРАТДА: ҳўжалиғида 21 йилдан бери фидокорона меҳнат қилиб келадиган бўлиб боғлиқ Жакисбега Дарибова.

ЯНГИ ИСТИҚВОЛЛИ МАРКАЗ

ЯНГИРИҚ туманида иқтисодий ислохотлар муваффақиятли амалга оширилиши билан бир вақтда ободончилик ишларига ҳам кийдид эътибор берилмоқда.

Қайта қурилган ва тубдан таъмирланган туман маркази аҳолини ва меҳмонларни ҳўнуд қилмоқда. У ерда бир қанча маънавий хизмат қўратувчи ва маданият масканлари барпо этилган, тижорат дўкончалари қурилган. Туман ҳўқими Ш. Жабборов оғирлиқ таърибнинг вилоят миқёсида оммалаштирилгандан мамнун бўлиб гапирди. «Янгиликнинг қаноти бор», деб бежиз айтишмайди-да.

ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Юнусобод» спорт мажмуида (Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, телемундара ёнида) Ўзбекистон Президентини кубуги учун халқро турнирининг очилиши олдидан шу йил 27-май кунини кўнуду сўят 12 да матбуот конференцияси бўлиб ўтади.

Конференция сўнгига ушбу турнирни ёритувчи матбуот ходимлари аккредитация қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 32—29—89, 33—15—22.

Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари

Азалий ва қардон дўстлар учрашувида қўшни давлатлар сўҳбат ва спорт ташкилотларининг раҳбарлари, давлат жисмоний тарбия институтларининг ректорлари, мудофаа жамияти вакиллари республика мустақилликка эришганидан сўнг бу тузилмалар фаолиятида юз берган ўзгаришлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Меҳмонларга спорт, сўҳбат соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойиҳалари тошпирилди. Бу ҳўжжатлар кейинроқ, батафсил муҳокама қилинганидан сўнг имзоланади. Меҳмонлар Қозоғистон делегацияси аъзоларига эсдалик совғалари тошпирдилар.

ҚАРДОШЛАР УЧРАШУВИ

Қозоғистон Республикаси кунлари иштирокчилари Нукус шаҳридаги Германия ва Италия технологияси асосида ишловчи «Катекс» ҳиссадорлик бирлашмасида бўлди. Ойига 5,5—6 миллион дона болалар ва катталар кийими тайёрлаётган жамоа аъзолари меҳмонларини самимий кутиб олди.

Қорақалпоғистон давлат дорилфунуни, Нукус ўлкашунослиқ музейи, Хўжайли туманидаги «Найман» жамоа ҳўжалиғи, гўшт комбинати ҳамда нурчлар шаҳри — Тахтиовулда ҳам қизиқарли учрашувлар ўтказилди.

Меҳмонлар Тахтанкўпир тумани «Мулик» жамоа ҳўжалиғи фаолияти билан танишди.

«Қозоқконцерт» санъаткорлари қардошларга рангбаранг томоша дастурини намойиш этди.

(ЎЗА).

ИШОНЧЛИ ШЕРИКЛАР

Андижонлик савдо ҳодимлари Қозоғистондаги корхоналар билан амалий ҳамкорлик алоқаси ўрнаштирган. Мисол учун, шаҳардаги «Ямбол» савдо марказидаги барча бўлимлар саноат молларини қўшни республикадан олади.

Ҳамкорлик асосан мазоуа йўлидан бормоқда. Андижонликлар қозоғистонлик бирдорларга асосан ип-газлама молларини юбориб, ўрнига эркаклар ва болалар кўстюмлари, аёллар устки кийими, пальто, пойабзал сингари моллар олишади. Бу молларга Фарғона водийсида талаб катта.

Шод-хуррамлик билан ўтди

Қозоғистонлик маданият ва санъат ҳодимлари, тадбиркорлар Урганч шаҳридаги пиллакашлиқ ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди. Бу жамоада қозоқ йинги-қизлари ҳам меҳнат қилади. Тякувчилик бирлашмаси, Урганч давлат дорилфунуни жамоалари билан учрашувлар қизиқарли ўтди. Айниқса, «Қозоқконцерт» филармонияси ҳамда «Наво» уйғур фольклор гуруҳи иштирокчиларининг қўшиқ ва рақслари йингиланларни ҳўшнуд этди.

ЎЗА муҳбири.

Меҳмонлар Андижон таширифини Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўйқали пойғига гулчамбар қўйишдан бошлади. Улар Бобур уй-музейини, Богнамол даҳасидаги арбоби номига қўйган борини зиёрат қилди. Хўнаманд усталарининг ишлари билан танишди. Йўлдош Охунбобоев номидаги му-

сикали драма театрида бўлган маросимда Андижон вилояти ҳўқими К. Обидов ва Толдиқўрган вилояти маъмурияти бошлиғи С. Аҳимбеков сўзга чиқди. Тантанавда қозоғистонлик санъаткорлар концерт намойиш этди. Меҳмонлар Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида, Пахтаобод, Қўргонтепа туманлари, Хон-

обод шаҳри ҳўжалиқлари ва корхоналарида ҳам бўлди.

Толдиқўрган ва Семипалатинск вилоятлари билан Андижон вилояти ўртасида иқтисодий ва маданый ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида шартнома имзоланди.

(ЎЗА муҳбири).

ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Республикада ўтаётган Қозоғистон кунлари доирасида Ўзбекистон Фан ва техника давлат кўнматсида қозоғистонлик олимлар, йирик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари раҳбарлари билан учрашув бўлди. Қозоғистон фан ва янги технология вазирлиғи ҳодимлари Ўзбекистонлик ҳамкасбларига қўшни республиканинг илмий ва саноат салоҳияти ҳақида гапириб беришди. Бу соҳаларда республикамиз эришган ютуқлар билан танишди.

Учрашув қатнашчилари ҳамкорликнинг асосий йўналишини белгилаб олдилар. Енили ҳамда энергиянинг турли хилларини ишлаб чиқаришда, табиий ресурсларни ишга солиш ва улардан самарали фойдаланишда, агросаноат мажмуида ҳамкорлик қилиш фойдали экани қайд этилди. Биотехнология, радиоэлектроника, информатика ва ҳисоблаш техникаси соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам ҳар янгила маъналик иқтисодий ютуқ кўнма фойдали бўлиши мумкин. Учрашув қатнашчилари иккала томонда ҳам бунинг учун ишлаб чиқариш базасидан ташқари юксак илмий салоҳият ҳам борлигини таъкидлашди.

Ўзбекистонлик ва Қозоғистонлик олимлар юксак технология асосида ҳўржидан қўлишмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариладиган қўшма илмий-ишлаб чиқариш фирмалари ташкил этиш масаласида алоҳида эътиборни қаратдилар. Лазер технологияси, биотехнология бўйича илмий-техник марказлар, шу жумладан «Латон» электроника ва алоқа илмий-техник маркази ҳамда бошқа корхоналар ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди.

Ўзбекистонда ўтаётган Қозоғистон кунлари давомида қўшни мамлакат олимлари корхоналарда, ҳамкасбларининг лабораторияларида бўлишди. Учрашувлар якунида қўшма илмий корхоналар ташкил этиш ва юксак технологиялар яратилишда ўзаро манфаатдор илмий ва инновацион ташкилотларга қўшма кўнма ва уларнинг илмий мувофиқлаштириш бўйича тақдир ва тасвиялар протоколи имзоланади.

ЎЗА муҳбири.

ЖОНАЖОН ЎЛКА КУЙЧИСИ

Тасвири санъатининг аюиди бўлиб, Ўзбекистон халқ рассоми Урол Тансиқбоев натта истедод кўчи билан жонажон ўлканинг нафосати ва улдувурлигини кўнмалди. 25 май кунини ў 90 ёшига тулган бўлур эди... Ў. Тансиқбоевнинг уй-мунази бўлиб ўтган юбилей тантанаси шу санага бағишланди. Тантана рассом асарларининг кўргазмаси билан очилди. Кўргазма юбилейга атаб қурилган икки қаватли суратлар галереясида ташкил этилди. Кўргазмани биринчи бўлиб меҳмонлар — Ўзбекистонда ўтаётган Қозоғистон Республикаси кунларида иштирок этаятган рассомлар, артистлар, маданият ва фан арбоблари томоша қилишгани рамзий маънога эгадир.

Ўзбекистонлик мўйқалам устасининг 90 йиллиғига таъйёрларлик қўришда қўш-

ни қардош республика санъаткорлари фаол иштирок этинди. Қозоғистон теледидеоси рассом ҳақида фильм яратди. Урол Тансиқбоевнинг санъати табиат нафосатини, ерни гуллаб-яшнатувчи инсонни гўзаллигини қўришга, ҳис этишга ўргатади. Унинг июиди ҳақида «Натта қалб» рассомгина ватанини шу тариқа кўра олади» деб бағанлари бежиз эмас...

Тансиқбоевнинг мероси жуда улкан. Айни шу бондан мавжуд уй-музейга тирнаб янги галерея қуриш ва шу тариқа рассом асарларини намойиш қилинади-ган жойини кенгайтириш гоисни туғилди. Янги галерея кўргазмани жамлаш, намойиш қилиш, шу тариқа Урол Тансиқбоев июиди ҳақидаги тасавури кен-

гайтириш имконини беради. Ранг тасвир санъатида Тансиқбоев анъаналарини давом эттираётган манзарачи ёш рассомлар асарлари кўриги ҳам шу ерда ўтади.

Бундан 13 йил муқаддам, Тошкентда биринчилар қаторида барпо этилган уй-музейи ҳозирги пайтда кўп одамлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Бу ерда санъатда ёрқин из қолдирган инсон ҳақидаги қўриралар сақланади. Унинг асарлари жаҳондаги жуда кўп натта катта музейларнинг, шу жумладан, Третьяков галереясининг, Москвадаги Шарқ халқлари санъати давлат музейининг олтин фондига кирган. Рассомнинг ўзи ҳеч қачон чет

елда бўлмаган, лекин унинг асарлари Францияда, Хитойда, Японияда ва бошқа мамлакатларда намойиш қилинган.

Музейга Тансиқбоевнинг дўстлари ва шогирдлари тез-тез келиб туришади. Бу ерда ҳамма нарса қўзни қўзонтиради: катта полотнолар ҳам, этюдлар ҳам, акварелда чизилган асарлар ҳам — булар рассом ҳаётининг турли даврлари маҳсулидир. Бу уйдаги энг муқаддас нарса — рассом устахонаси, кутубхона, оилага қарашли бўлган ва Тансиқбоевнинг рафиқаси Елизавета Яковлевна давлатга ҳада қилган жиҳозлардир. У санъат йил давомида рассом асарларини асраб, унинг июидини тартиб қилиб келди.

(ЎЗА).

